



DEVELOPMENT OF ECOTOURISM DEPENDING ON THE CHANGE OF ALTITUDE REGIONS (IN THE CASE OF ZOMIN NATIONAL NATURE PARK)

Khusniddin Khazratkulov

deputy director for scientific affairs
 Zomin National Nature Park
 Zomin, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Zomin National Nature Park, ecotourism, altitude regions, routes, Suffa Height, Chortangi Gorge, ski tourism.

Received: 03.10.23

Accepted: 05.10.23

Published: 07.10.23

Abstract: In this article, proposals and recommendations are given for the development of ecotourism in the Zomin National Nature Park at altitudes from 1000 to 4030 meters above sea level, depending on the change of natural regions.

БАЛАНДЛИК МИНТАҚАЛАРИ ЎЗГАРИШИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (ЗОМИН МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОГИ МИСОЛИДА)

Хусниддин Ҳазратқулов

илемий ишлар бўйича директор ўринбосари
 Зомин миллий табиат боги
 Зомин, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Зомин миллий табиат боги, экотуризм, баландлик минтақалари, маршрут йўналишлари, Суффа баландлиги, Чортанги дараси, тоғ-чанғи туризими.

Аннотация: Мазкур мақолада, Зомин миллий табиат боғида денгиз сатҳидан 1000 метрдан 4030 метргача бўлган баландликларида табиат минтақаларини ўзгаришига боғлиқ ҳолда экотуризмни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

РАЗВИТИЕ ЭКОТУРИЗМА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СМЕНЫ ВЫСОТНЫХ РЕГИОНОВ (НА ПРИМЕРЕ ЗОМИНСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДНОГО ПАРКА)

Хусниддин Ҳазратқулов

заместитель директора по научной работе
 Зоминский национальный природный парк
 Зомин, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Зоминский национальный природный парк, экотуризм, высотные районы, маршруты, Суффинская высота, ущелье Чортанги, горнолыжный туризм.

Аннотация: В данной статье даны предложения и рекомендации по развитию экотуризма в Зоминском национальном природном парке на высотах от 1000 до 4030 метров над уровнем моря в зависимости от смены природных регионов.

КИРИШ

Зомин миллий табиат боғи - Ўзбекистоннинг тўнгич миллий боғи сифатида 1976 йили Зоминсув ҳавзасида ташкил қилинган. Зомин миллий табиат боғининг майдони 23894 га бўлиб, асосан тог арчалари ҳимоя остига олинган, шунингдек Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвон турлари ҳам ҳимоя қилинади. Миллий табиат боғи Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашиб, унинг ғарбий чегараси Ғўралашсоҳи ва Бойқўнғирсой сойларининг сувайирғичидан ўтади. Бу сувайирғич Зомин ва Бахмал туманларининг чегараларига ҳам тўғри келади. Шимолий чегараси Зоминсув ва Еттикечув сойларининг қуйилиш жойи, яъни Дуоба қишлоғи параллелидан, шарқий чегара Ўзбекистон ва Тожикистоннинг давлат чегараси бўйлаб, жанубий чегараси эса Туркистон тизмасининг сувайирғичи бўйича ўтади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зомин миллий табиат боғининг бутун ҳудуди орқали узунлиги 45 км бўлган асфальтланган автомагистрал йўли бўлиб, Зомин ва Бахмал туманларини ўзаро бирлаштириб туради. Миллий табиат боғининг Кўлсой бўйида Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги институтининг илмий таянч пункти жойлашган. Бу таянч пунктида ўрмончилик илмий текшириш институти 1929 йилдан буён илмий кузатиш ва тажрибалар олиб боради.

Зомин миллий табиат боғи денгиз сатҳидан 1000-4030 м баландлик оралиғида жойлашган. Бу ҳудудда ноёб ва типик ландшафтлар билан бирга, арча ўрмонлари, экологик тизимларнинг бир бутунлиги, инсон томонидан кам ўзгартирилган, ҳатто мутлақо ўзгартирилмаган табиий комплексларнинг кўплиги миллий табиат боғининг ташкил этилишга асосий сабаб бўлди. Бу ерда ривожланган тоғ туризми нафақат Ўзбекистон аҳолисини эмас, балки хорижлик тоғ туризми ихлосмандларини ҳам ўзига жалб этганлиги учун маълум вақтгача Зомин Халқаро Парки деб аталган. Эндиликда эса унинг номи қатъий шаклланган бўлиб, “Зомин миллий табиат боғи” деб номланади.

Ҳозирги замон миллий табиат боғлари биринчи навбатда муҳофаза қилинадиган ва иккинчи навбатда табиат қўйнида дам олиш учун мўлжалланган сайёҳат-туризм шаклида ташкил этилади. Дастробаби даврларда, яъни бундан 150-200 йил илгари одамларнинг табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришга интилиши ва турист сифатида келиши нисбатан кам

бўлган. Шунинг учун табиатдан фойдаланишнинг регрессив йўналиши, ноёб-жозибали участкаларга зиён етказиш хавфи деярли бўлмаган. Натижада, дикқатга сазовор кўркам объект ва масканлар кишиларнинг ишлаб чиқариш доирасидан олиниб, миллий боғ мақомида муҳофаза қилинган. Ҳозирги вактда муҳофаза қилинадиган худудлар жуда мураккаб ташкилий тузилма ҳисобланади.

Зомин миллий табиат боғи атрофига бир нечта қишлоқлар жойлашган. Миллий табиат боғнинг шимолий қисмида Еттикечув, Қоронғисой, Тоғтерак, Ўриклисой, жанубий қисмида Қашқасув ва Қизилмозор қишлоқлари жойлашган. Бу қишлоқларнинг табиати хушманзара бўлганлиги сабабли, сўнги йилларда дам олувчилар сони тадрижий равища ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Зомин миллий табиат боғи худудига кирганда, Ўриклисой сойлиги билан бирин-кетин туташиб турадиган Арчамозор, Ёнғоқсой, Айиқлисой ва Олмасой каби табиати мафтункор бўлган сойликлар учрайди. Арчамозор сойлигини белгиси сифатида йўл чеккасида якка бир туп кекса арча дарахти ўсиб турибди. Кекса арчадан чап томонга кириб кетган сойликни маҳаллий аҳоли Арчамозор сойлиги деб атайди. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Арчамозор зиёратгоҳи деган жойлар Усмонлисой ва Еттикечув сойликларининг юқори қисмларида ҳам учрайди. Зоминсув дарёсининг 3 та асосий ирмоғи (Ўриклисой, Усмонлисой ва Еттикечув) да ҳам Арчамозор зиёратгоҳлари ва уларнинг ёнида рамзий қабрларни бўлиши, маҳаллий ахолининг тоғ арчаларига бўлган хурматининг юқорилигини билдиради. Сабаби, қадимдан Арчамозордан бошлаб арчаларга заар етказиш гуноҳ ҳисобланган.

Арчамозор сойлигидан ўтгандан сўнг тахминан 700 ёшли бўлган Бобоёнғоқ (Қадимги грек ёнғоқи) учрайди. Кекса Бобоёнғоқ денгиз сатҳидан 1440 м баландда жойлашган бўлиб, биологик ёдгорлик сифатида муҳофаза қилинади. Бобоёнғоқнинг баландлиги 20 м, шоҳларининг эни 28 м, асосининг диаметри эса 2,7 м га teng. Бобоёнғоқдан ўнг томонга қараб кириб борадиган сойликни маҳаллий аҳоли Ёнғоқсой сойлиги деб номлаган. Бобоёнғоқдан йўл бўйлаб бироз юрилганда, сувининг таъми ўзгача бўлган булоқга дуч келинади. Бу булоқ йўлдан ўтган йўловчиларни доимий равища чанқоғини қондириб келмоқда.

Булоқдан бироз юрилганда, йўлнинг ўнг томонида айиқ ҳайкалига дуч келинади. Илгарлари бу сойлиқда айиқлар кўп учраганлиги сабабли, маҳаллий аҳоли томонидан Айиқлисой сойлиги номи берилган. Айиқлисой сойлиги бўйлаб юқорига харакатланиб борилса, Шербулоқ булоғи олдидан чиқиб борилади.

Айиқлисойдан бироз юрилганда чап кўл томонга кириб кетиладиган Олмалисой сойлиги бошланади. Бу сойлиқда бошқа сойликлардан фарқ қилган холда ёввойи олмалар

кўп ўсганлиги сабабли ҳам Олмалисой номини олган. Ушбу сойликлардан ўтиб, яна баландликка кўтариладиган бўлсак, арчазорларни қалинлаши ва тоғ реълефларини мураккаблашиб боришига гувоҳ бўламиз.

Бу ерга келган туристларни табиатнинг ажойиб такрорланмас ноёб ҳодисалари бўлган қалин арчалар билан қопланган тоғ рельефи, мағур турган тоғ чўққилари, шараашаралар, карст воронканлари, горлар (20 тадан ортиқ горлар бор), ноёб ўсимлик ва кўплаб ҳайвон турларини ҳам учратиш мумкин. Ҳудудда нураш натижасида ҳосил бўлган одамсимон тош шакллар (Кирқ қиз), дунёда кам учрайдиган арид (курғокчил) минтақалар учун хос бўлмаган супер экзотик карст жараёнлари “жуякли”, “шудгорсимон” ҳамда “чуқурчалар” туристларни ўзига тортиб, “лол” қолдиради.

Зомин миллий табиат боғида 3 та ўсимлик баландлик зоналари бир-биридан ажралиб туради 1) тоғ дашт; 2) ўрмон; 3) баланд тоғ ўтлоқлари. Тоғ дашт баландлик зонаси 1300-2300 м баландликларни эгаллайди. Асосан энг кўп тарқалган ўсимлик турлари буғдойик, ҷалов, қўнғирбош, Туркистон қиёғи, арпағон ва бошқалар.

Ўрмон зонаси 2100-2700 м баландликларда тарқалган ва асосан арчалардан таркиб топган. Арчалар 3 турга мансуб: Зарафшон, Туркистон ва яримшарсимон (даур) арчалари. Арчалар билан бирга шамшод, шумтол, дўлана, учқат, наматак, ёввойи бодом ва бошқалар тарқалган. Ўрмонлардан очиқ майдонда ўт қоплами жуда бой ва хилма-хил. Бунда буғдойик ва ҷалов билан бирга тоғ райхони, тоғ ялпизи, шувоқ, тоғ пиёзи, чиннигул ва бошқалар қалин қопламни ҳосил қиласди.

2700 м дан юқорида тоғ ўтлоқ зонаси жойлашган. Бу ерда тоғ ксерофитлари ёстиксимон шаклга эга бўлиб, намлик етишмайдиган тошлоқ мухитда ривожланади. Энг кўп тарқалган турлар акациясимонлардан, каррак ва шувоқлардан иборат.

Зомин миллий табиат боғининг баландлик зонасида шу зонага мос тупроқ ва ҳайвонлар ҳам тарқалган. Зоминсув ҳавзасида чуқур даралар ва ўткир қиррали баланд тизимлар нисбатан кам парчаланган супасимон қирлар, оҳактошдан тарқалган жойларда турли хил карст шакллари, гранит тоғ жинслари тарқалган жойларда ёстиксимон тарқалган харсанглар ва бошқа хилма-хил шаклларнинг ёнма-ён жойлашганлиги, бу ҳудудда туризимнинг турли соҳаларини ривожланишга катта имкониятлар яратади. Бу ерда пиёда, от туризими, турли хил спорт туризимлари ва алпинистик туризим турлари ривожлантириш учун барча шароитлар бор. Қиши ойларда эса 2300-2500 м баландликларда жойлашган “Супа” баландлигига тоғ-chanғи туризими ташкил қилиш мумкин.

Миллий боғдаги энг хушманзара ландшафтларидан бири Зоминсув дарёсининг юқори оқимидағи “Супа” яssi тоғлигидир. “Супа” яssi тоғлиги денгиз сатҳидан 2300-2500 метр баландликда икки ярус тарзида жойлашган бўлиб, горлар билан ўйилиб, ўнқирлар ҳосил

қилинган. Супанинг тубиди Кўлсой ҳайқириб оқади ва дара табиатини янада кўркамлаштиради. Даранинг қўйи қисмида эса тик қоя деворлари 300-400 метргача етади. Кўлсой дарасига тепадан қарасангиз зўрға кўзга ташланади ва кишини ўзига мафтун этадиган бу дара Зоминсув ҳавзасининг энг мафтункор жойларидан бири хисобланади.

Зоминсув дарёсининг Ўрикли, Қашқасув, Еттикечув, Обикўл ирмоклари ва Сангзор дарёсининг Ғуралаш, Қизилсой сойлари Зомин миллий табиат боғи худудидан оқиб ўтади. Ушбу сойлар Туркистон тизмасининг баланд ёнбағирларидан бошланади ва март ойидан то июнь ойининг охирига қадар тўлиб оқади. Ёз ойларида сув камаяди. Зомин миллий табиат боғи худудида юздан ортиқ булоқлар мавжуд. Булоқ сувларининг минераллашиш даражаси 250-350 мг/л бўлиб, ўта тоза сувлар гурухига киради. Кўпгина булоқ сувлари шифобаҳш хусусиятга эга.

ХУЛОСА

Зомин миллий табиат боғида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда экотуризимни ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар бериб ўтилмоқда:

- Зомин миллий табиат боғининг йирик маштабли ландшафт картасини тузиш ва ҳавзадаги ноёб табиат обидаларини кўрсатиб ўтиш;
- Зомин миллий табиат боғидаги ноёб табиат обидаларга борадиган маршрут йўналишларни аниқлаш, чизмада тасвирлаш ва батафсил тушунча берувчи матнни тайёрлаш;
- Зоминсув миллий табиат боғида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда пиёда ва отда юрадиган маршрут йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Зомин миллий табиат боғида баландлик минтақаларга боғлиқ равишда алпинистлар, тоғ спорт турлари билан шуғуланувчилар учун алоҳида-алоҳида ҳолда карта-схемалар тайёрлаш, унда спорт экотуризм объектларини кўрсатиш;
- Зомин миллий табиат боғида ҳамма туристик маршрутларни тасвирловчи ва реклама қилувчи рангли фотосуратли буклетларни тайёрлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алибеков Л.А. Зомин миллий боғи ва геоэкологик муаммолар ечимининг географик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2013.
2. Оға Бургутли. Тоғ садолари. –Т.: “Мехнат”, 1992 й.
3. Sharipov Sh, Shomurodova Sh, Gudalov M. The use of the mountain kars in the tourism sphere in cort and recreation zone of Chimgan-Charvak. Journal of Critical Reviews. Volume 7, Issue 3, 2020 Maleziya Kuala-Lumpur.
4. Mirkomil, G., Gulshoda, J., & Ilyos, J. (2020). Ways To Develop Ecotourism In The Molguzar Mountains. The American Journal of Applied sciences, 2(11), 1-5.

5. G‘o‘dalov M.R., Hazratqulov H. Jizzax viloyatida turizmni rivojlantirish istiqbollari. Geografiyaning mintaqaviy muammolari. Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materallari. Jizzax 2017 y.

6. Gudalov, M. R., & Karimov, I. E. (2022). Technogenic factors of formation of the landscape and ecological condition of reservoirs." coğrafiyanın müasir problemləri: elm və təhsilin ineqrasiyasi, 49.

7. G‘o‘dalov M.R., Muxamedov O.L. Tabiatni muhofaza qilish: muammo va yechimlar. Guliston 2021 y